

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАЊАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 202 (10.255)

2004 ЙИЛ 18 ОКТЯБРЬ

ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Аввал хабар берилганидек, халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда вилоятда иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Бу ўзгаришлар нафақат Фарғона, балки бутун мамлакатимиз ҳаётида из қолдирган ютуқлардир. Жумладан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси замонавий технологиялар асосида реконструкция қилинди. Пахтадан ип-калава, газлама ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Қабул-Фарғона компани», «ДЭУтекстайл», «Бештекс» каби замонавий қўшма корхоналар ишга туширилиши пахта хомашёсини ўзимизда қайта ишлашда, ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Айни пайтда, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, кейинги тахлиллар вилоятда эришилган ютуқлар билан бирга қатор соҳаларда орқага кетиш ҳолатлари мавжудлигини кўрсатмоқда.

Макроиқтисодий курсаткичларнинг кейинги уч-тўрт йиллик таҳлили шуну кўрсатадики, sanoat маҳсулотларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2003 йилда 1997 йилдаги 30 фоиздан 15,5 фоизга тушиб қолган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам жиҳдий оқшаб кўзга ташланмоқда. Пахта ҳосилдорлиги 2000 йилда қарийб 30 центнерни ташкил этган бўлса, 2003 йилга келиб 18,7 центнергача пасайган.

Қурилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик, ижтимоий соҳалар ривожини ҳам талаб даражасида эмас.

Буларнинг сабаблари вилоятда ишлаб чиқаришни янгилаш ва такомиллаштириш, ишни янги асосда ташкил этиш, хорижий инвестиция иштирокида қўшма корхоналар очишга етарлича эътибор берилмаётганидадир. Бошқача айтганда, ташкилотчилик ва талабчанлик бўшашиб кетган.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Алишер Отабоев ўз аризасига биноан Фарғона вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислоҳ Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири бўлиб ишлаб келаётган Шермат Нурматов Фарғона вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Э.Воҳидов, Қўқон шаҳар ҳокими М.Усмонов, Қува тумани ҳокими О.Холбеков, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал демократик партияси вилоят кенгаши раисининг ўринбосари И.Аминжонов, Марғилон шаҳридаги «Истиқбол» гимназияси ўқитувчиси Э.Аҳмедова ва бошқалар Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни уюшқоқлик, ташаббускорлик ва масъулият билан адо этиш вилоят аҳлининг асосий бурчи эканини таъкидладилар.

Фулор МИРЗО,
Маъсуд СУЛАЙМОН,
ЎЗА махсус мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**Ш.Нурматовни
Фарғона вилоятининг
ҳокими этиб
тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 - /15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Шермат Нурматов Фарғона вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 15 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**А.А.Отабоевни
Фарғона вилоятининг
ҳокими вазифасидан
озод қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 - /15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Алишер Абдужалилович Отабоев ўз аризасига биноан Фарғона вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 15 октябрь

XXI саҳоси

Барча маълумлардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Олимпия шон-шухрати музейида Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ижросини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон Мусулмонлари идорасида «Ўзбекистонда Рамазон ойи ва ҳайитини нишонлашда мусулмонларга яратилаётган шарт-шароитлар» мавзусида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Савдо-саноат палатасининг Андижон вилоят бошқармасида уюштирилган ярмаркада ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида ташриф буюрган Чехия республикаси фирмалари вилоят тадбиркорларига оқва сувларни тозалаш станцияси, тиббиёт муассасалари учун анжомлар, кичик қишлоқ хўжалик техникаси, қурилиш материалларини тақдир қилишди.

● Янгиқўрган тумани пахтакорлари қабул пунктларига 4. 600 тоннадан ортқ қимматбахо sanoat хом ашёсини етказиб берган ҳолда Наманган вилоятида биринчи бўлиб давлатга пахта топшириш бўйича шартнома мажбуриятини бажардилар.

● Жондор туманидаги Т.Хатамов номи ширкат хўжалиги худудига жойлашган «Работ» посёлкасида бир кунда 75 кишини қабул қилишга мўлжалланган янги қишлоқ шифокорлик пункти фойдаланишга топширилди. Бу ерда акушерлик ва гинекология, стоматология, терапия ва педиатрия хоналари мижозларга хизмат кўрсатмоқда.

Жаҳонда

● Италиянинг Флоренция шаҳрида Европа Иттифоқига аъзо «Кучли бешик» мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бошланди. Унда муҳожирлик ва халқаро терроризмга қарши кураш масалалари муҳокама қилинмоқда.

● Руминияда ўтказилган НАТОга аъзо давлатлар мудофаа вазирлари учрашувида Афғонистондаги барча харбий амалиётларга қўмондонлик қилишни НАТОга топшириш тўғрисидаги АҚШ режаси кўриб чиқилди.

● Россия Федерацияси Президентини Владимир Путин уч кунлик расмий ташриф билан Хитойда бўлди.

● Канаданин Галифакс шаҳридаги аэропортга кўнши вақтида «Боинг — 747» русумли самолёт ҳалокатга учради. Натижада оғир юк ташувчи ушбу самолёт экипажининг барча 7 нафар аъзоси ҳаётдан кўз юмди.

● Молдова президенти Владимир Воронин мамлакат мудофаа вазири, генерал Виктор Гайчукни ўрлик ва коррупцияда айблаган ҳолда истеъфога чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**Ўзбекистон Республикаси
Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат
кадастри давлат
қўмитасини ташкил қилиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармонида мувофиқ ҳамда ердан фойдаланиш, геодезия ва картография соҳасидаги бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, ердан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва ер муносабатларини тартибга солиш, Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармаси тугатилиб, уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси («Ерgeoдезикадастр») ташкил қилинсин.

Давоми 2-бетда.

«Тошкент опен — 2004»



ЯНГИ ЮЛДУЗ КАШФ ЭТИЛДИ

Кеча пойтахтда «Тошкент опен — 2004» мусобақаларининг финал ўйини бўлиб ўтди. Турнир шохсупасининг энг юқори поғонасига 15 ёшли чехиялик теннисчи Николь Ваидисова кўтарилди.

Ўтган бир ҳафта мобайнида тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари яна бир бор «Тошкент теннис маркази» спорт мажмуасида 20 дан зиёд барча китъалардан ташриф буюрган кучли теннисчилар иштирокидаги гўзал спорт байрамидан баҳраманд бўлишди.

Бутунжаҳон профессионал теннисчи аёллар уюшмаси таснифидан ўрин олган ва олтинчи йил кетма-кет ўтаётган аънавий «Тошкент опен —



2004» турнирига бу гўзал спорт ўйинининг бизга яхши маълум бўлган вакиллари қаторида кўп янги теннисчилар, шу жумладан АТнинг биринчи юзлигига кирадиган 9 нафар спортчи ҳам ташриф буюрган.

Давоми 7-бетда.

**Пойтахтнинг
бир кунни**

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

● **ЭРТАГА** Сергели туманидаги 4-автокорхонада бўлиб ўтadиган «Фояга қарши гоё билан» мавзудаги тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилади.

● **ХАМЗА** туманидаги 282-мактабда Республика Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитаси ҳамкорликларида уюштирилган «Солиқ сиёсати ва унинг ҳуқуқий асослари» мавзусидаги тадбирда маҳаллалар оқсоқоллари иштирок этишди.

● **БОБУР** номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган «Меҳржон» тадбирида Яққасарой, Сергели, Собир Раҳимов туманларининг фаол ёшлари иштирок этишди. Ушбу тадбирда кам таъминланган оилалар фарзандларига ўқув қуроллари тўхфа этилди.

● **КУРИЛИШ** ва коммунал касб-хунар коллежида Акмал Икромов туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

● **1-ТОШКЕНТ** Давлат тиббиёт институтида даволанаётган тузма нуқсонли бор бемор болаларга «Соғлом авлод учун» жамғармаси ташаббуси билан Германиянинг «Фриденсдорф интернейшнл» ташкилоти хомийлигида жарроҳлик амалиёти ўтказиладиган бўлди.

● **ТОШКЕНТ** ахборот технологиялари университетида ўрта махсус касб-хунар таълими мусассасалари ўқувчилари иштирокида компьютерда дастурлаш бўйича ўтadиган жаҳон чемпионати чорак финали катнашчиларини аниқлаш мақсадида танлов уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** ҳайвонот боғига жанубий-шарқий Осиёдан ноёб кабутарлар келтирилди. Дарвоқе, мазкур боғда ҳашаротлар бўлими ташкил этилди ва фаолият бошлади.

● **2-ТОШКЕНТ** педагогика коллежида ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида Республика «Махалла» жамғармаси, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Республика Бош прокуратураси ҳамкорликларида БУГУН уюштирилган тадбир «Усмир ва қонун» деб номланди.

● **ТЕМУРИЙЛАР** тарихи Давлат музейида БУГУН «Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** киночилар уйида ўзбек кино усталари томонидан яратилган «Кўзларинг маънос» фильмининг тақдими бўлиб ўтди. Рустам Саъдиев сценарийси асосида экран овозини кўрган ушбу фильмда асосий ролларни Мурод Ражабов, Лола Элтоева, Тоҳир Содиков ва Шоира Ғиёсовалар ижро этишган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ**

**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари,
геодезия, картография ва давлат кадастри давлат
қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида**

Давоми. Боши 1-бетда.

2. Қуйидагилар «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;
ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

тупрок унумдорлигини ошириш, ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

геодезия ва картография соҳасидаги фаолиятини бошқариш;
давлат геодезия назоратини ташкил қилиш;

жойларда давлат бошқаруви органлари ва давлат ҳокимияти органларининг

давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;
давлат ер кадастрини, давлат картография-геодезия кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини, шунингдек Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш.

3. Белгилансинки, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармасининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

4. Давлат бюджети маблағлари ҳисобига бажариладиган ер-кадастр, ер тизилиши, тупрок ва геоботаника соҳасидаги ишлар қўшилган қиймат солигини тўлашдан озод этилиши белгилаб қўйилсин.

5. «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 24 июлдаги ПФ-2059-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир hafta мuddатда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри
2004 йил 15 октябрь

Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Йиғилишда Президентимиз Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида белгилаб берган устувор вазифаларни бажариш бўйича қўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини бераётгани қайд этилди.

Жорий йилнинг ҳисобот даврида барқарор макроиқтисодий мувозанатни сақлашга, иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини кўпайтиришга, аграр секторда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга, товар ва валюта бозорларини эркинлаштиришга, маъмурий ислохотни амалга оширишга қаратилган чуқур институционал ва таркибий ўзгаришлар амалга оширилди.

Банк-молия соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида инфляция даражаси 0,3 фоизгача пасайди. Аини пайтда профит билан ижро этилган давлат бюджетининг барқарорлиги, мамлакат тўлов балансининг ижобий сальдо ва олтин-валюта захираларининг ўсиши билан тавсифланадиган макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Хусусан, иқтисодий ўсиш суръатларининг динамикаси тезлаштириш таъминланди. Ўтган тўққиз ойда мамлакатимизда иқтисодий ўсиш 108,9 фоизга етди. Жумладан, sanoat ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиши 10,2, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 14,2, асосий капиталга инвестициялар 3,0, транспорт ва алоқа хизматлари ўсиши 9 фоизни ташкил этгани ҳам буни тасдиқлайди. Экспорт ҳажмининг 34,6 фоизга ортиши ташқи савдода туб ўзгаришларни рўёбга чиқарди. Бунга биринчи навбатда кимё

саноати маҳсулотлари ва пластмассалар, озиқ-овқат товарлари, машина ва асбоб-ускуналар экспорт қилиниши ҳисобига эришилди. Ташқи савдо айланмасида 815,3 миллион АҚШ доллари миқдоридан ижобий сальдо қўлга киритилди. Бу 2003 йилнинг шу давридагидан

дан, хорижий инвестициядан келган маблағ бир ярим баравар кўпайди. Қимматли қозғоларнинг иккиламчи бозори айланмаси 1,7 баравар ўсди.

Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилган хорижий сармоянинг, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий

ва капитал реконструкция қилиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури топшириқларини мукамал бажариш масалаларига янада жиддий эътибор қаратиш зарур.

Иқтисодий-ижтимоий янгиликлар йўлига тўсиқ бўлаётган бундай камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чораларини кўриш лозим. Иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантиришни кўзда тутувчи энг муҳим, устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самардорлигини янада юксалтириш борасида мутасадди ташкилотлар раҳбарларига тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Мажлисида Меҳр ва муруват йили ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурларининг амалга оширилиши билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди. Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва уй-жой фондидан 2004-2005 йиллар куз-қиш даврига тайёргарлиги, маҳаллийлаштириш ҳам ва инвестиция дастурларининг бажарилишига доир масалалар атрафлича муҳокама этилди. Ушбу соҳалардаги мавжуд камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, Ҳ.Султонов, Э.Ғаниев, «Ўзкомунхизмат» агентлигининг бош директори Ҳ.Холмуҳамедов, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг бош директори И.Вагапов, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Э.Шоисматов, Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлиддинов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Мажлисида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА

**ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИ
МАЖЛИСИ**

15 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилнинг прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлашга бағишланган мажлиси бўлди.

300 миллион АҚШ доллари кўп, демакдир.

Маҳаллий хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш прогнозга нисбатан 112,3 фоизга ўсди. Аини пайтда бундай маҳсулотлардан 154,4 миллион АҚШ доллари миқдоридан экспорт қилинди. Маҳаллийлаштириш доирасида 2500 талан ортиқ иш ўрни ташкил этилди.

Ҳисобот даврида аграр секторда ҳам сифат ўзгаришларига эришилди. Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, аввало, фермер хўжаликлари ҳисобига кўпайди. Пахта, ғалла, картошка, мева-сабзавот, узум, гўшт-сут маҳсулотлари етиштириш салмоғи сезиларли даражада орди.


Мажлисида давлат активларини сотишнинг янги мослашувчан шакллари жорий этилиши, хорижий инвесторлар билан ишлашнинг фаоллаштирилиши эъвазига хусусийлаштириш дастурини амалга оширишнинг жаддаллашуви таъминлагани қайд этилди. Жумладан, сотилган объектлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,6 баравар кўпайди. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳажми 1,7 баравар, жумла-

инвестиция ва кредитлар ҳажмининг қарийб икки баравар кўпайишига эришилди.

Шу билан бирга, мажлисида иқтисодиётнинг муайян йўналишларидаги мавжуд муаммолар жиддий танқид қилинди. Ҳисоб-китоб тизими такомиллаштириш, бюджетга тўловлар бўйича қарзларни, биринчи навбатда, энергетика, кимё саноати, ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларида, коммунал хизматлар ва қишлоқ хўжалигида дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳажмини пасайтириш вазифалари мўлжалдаги даражада бажарилмади.

Маҳаллийлаштириш дастури топшириқларини тўла адо этишга етарлича эътибор қаратилмади. Кичик бизнеснинг ривожланиши учун янада қулай шароит яратиш, салмоғини ва иқтисодий ўсишдаги улушини кўпайтириш ҳам талаб даражасида эмас. Шунингдек, инвестиция дастури топшириқларининг бажарилишини, айниқса хорижий инвестицияни ўзлаштиришнинг янада тезлаштириш даркор.

Касб-хунар коллежи ва академик лицейлар, умумтаълим мактаблари қуриш



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Афғонистонда президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Сайлов кунининг ўзидаёқ мамлакат президентлигига даъвогар 18 номзоддан 15 нафари сайлов натижаларини тан олмаслигини билдиришди. Лекин халқроқ кузатувчиларнинг фикрича, сайлов жуда уюшқоқлик билан ўтган. 10,5 миллион сайловчида 10 миллион нафари сайлов участкаларига келиши ҳам буни тасдиқлайди. Дастлабки маълумотларга қараганда, амалдаги муваққат ҳукумат раҳбари Хамид Карзай, генерал Абдурашид Дўстум, собиқ халқ таълими вазири Юнус Қонуний кўпроқ овоз олишган. Сайлов натижалари яқин кунларда эълон қилинади.

● Утган ҳафтада Тайван расмий Пекингга мурожаат билан чиқиб, икки томонлама музокараларни бошлашга тайёр эканлигини билдирди. Хитой ҳукумати бу таклифни рад этди. Ҳукумат вакилининг сўзларига қараганда, Пекин Чен Шуйбянь шу йўл билан Хитой-Тайван ўртасидаги низоми бартараф қилишига ишонмаяпти.

● Бир ойлик танаффусдан сўнг Гаага трибунали Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич устидан суд жараёнини яна бошлади. Унинг соғлиги ёмонлашгани туфайли суд жараёнлари бир ойга кечиктирилди. Собиқ президент 60 та ҳарбий жиноятда айбланмоқда.

● Нигерияда тўрт кунлик умумийлат норозилик намойиши бошланди. Акция қатнашчилари ёниги нархнинг 25 фоизга оширилишига шу йўл орқали ўз норозилиklarини билдиришмоқда. Кўплаб касабани уюшмалари Нигерия Меҳнат конгресси ҳукумат нархларини тушириш борасида бирор чора кўрмас, норозилик намойиши давом эттирилишини маълум қилди.

● Россияга қаршли «Профессор Богоров» илмий-тадқиқот кемасининг асосий двигатели бузилганлиги сабабли Япония денгизида ҳаракатсиз қолган. Владивосток денгиз кутқарув-мувофиқлаштириш марказидан хабар қилишларича, кема Находка шаҳридан 160 миль нарида турибди. Денгиз оёйишта, кучли тўлқинлар ва шамол бўлмаяпти. Владивостокдан чиққан «Юрий Орленко» кутқарув кемаси ёрдамга шошилмоқда.

● Марказий Африка чангалзорларида олимлар шу пайтгача фанга номаълум бўлган одамсимон маймунни учратди. Конго Демократик Республикаси шимолидан топилган ушбу махлук шимпанзе ва гориллага ҳам ўхшаб кетади. Унинг бўйи 2 метрни ташкил қилади. Бошқа тур маймунлардан фарқи, у дарахтда эмас, ерда яшайди. Олимлар мазкур топилма ёввойи табиат синаотларини очишда катта воқеа бўлганини эътироф этишмоқда.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТАЪЛИМИ: ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛ

Тошкент шаҳридаги Халқаро бизнес марказида «Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим: тажриба ва истиқбол» мавзусида икки кунлик халқаро конференция бошланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ўн йиллиги /1995-2004 йиллар/ яқунларига бағишланган ушбу тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, БМТДнинг «Тараққиёт йўлида кўмак» дастури ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг минтақавий лойиҳаси томонидан ташкил этилди. Анжуманда Ташқи ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар вазириликлари, Бош прокуратура, Адвокатлар ассоциацияси, бошқа вазирилик ва муассасалар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Мустақиллик йилларида ҳамюртларимиз онги ва шуурида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги кадрларни тайёрлаш ва кўникмаларни шакллантириш, пировард натижада эса инсон ҳуқуқларига ҳурмат-

эҳтиромни ва уларга риоя этишни умумийлик даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш масаласига алоҳида эътибор берилмаётган. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, инсоннинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий қафолатларини рўйбга чиқаришнинг энг асосий шарт бўлиб қолиши керак.

Конференциянинг биринчи кунидagi ялпи мажлисларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг умумий манзараси, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар фаолияти, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим, шунингдек, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ва суд ҳокимияти тизимларида инсон ҳуқуқлари бўйича таълим бериш, халқаро ташкилотларнинг бу борадаги ҳиссасига оид мавзуларда фикр алмашилди.

Анжуманда сўзга чиққан БМТДнинг Ўзбекистондаги Доимий вакили ўринбосари Л.Андерсен, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар

вазирининг биринчи ўринбосари В.Норов, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Ички ишлар вазирининг ўринбосари Р.Қодиров, Ички ишлар вазири Тергов бош бошқармаси бошлиги А.Шарофуддинов, Прокурор ходимлар малакасини ошириш маркази директори Э.Абзалов, Тошкент Давлат юридик институти ректори М.Рустамбоев, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти ректори Ж.Йўлдошев ва бошқалар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ўн йиллиги доирасида мамлакатимизда амалга оширилган чора-тадбирлар натижаларини атрафлича таҳлил қилдилар.

Давлат ташкилотлари, нодавлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари инсон ҳуқуқларига оид билим ва маълумотларни янада кенгроқ ёйиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан боғлиқ ишларда ўзаро истиқболли ҳамкорлик режалари хусусида келишиб олдилар.

ЎЗА



Иқтисоқий

СИФАТГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Шаҳримизнинг Амир Темур кўчасида бунёд этилган замонавий, текис ва раво осма йўлни кўрган кишининг кўзи қувнайди. Ҳамшаҳарларимиз узогини яқин қилаётган ушбу кўприкнинг бунёдкорлик ишларида йўл қурувчиларидан тортиб, бир қанча ташкилот ва корхоналарнинг ҳам хизматлари катта бўлди. Айниқса осма йўл учун зарур таянч устунларни тез ва сифатли тарзда тайёрлаб, қурувчиларимизга бекаму кўст етказиб берган «Профиль» илмий-техникавий фирмаси ходимларининг ишлари эътиборга лойиқдир.


Лойиҳалаштириш жараёнида замонавий талаблар асосида қайта қуриб чиқилади. Бошқа корхоналарда маълум бир деталлар ишлаб чиқарилса, бизнинг жамиятимизда майда деталлардан то тайёр махсулот ҳолигача бўлган жараёнда ишлар кетма-кет тарзда олиб борилади. Шунинг учун ҳам корхонанинг илмий-техникавий фирма деб номланган.

Шокир Усмонов, Нигмат Шайхов, Арсен Сааян каби илгори тажрибали ходимлар ишлаган жамоа сўнгги вақтда Қорақалпоғистондаги Амурдарё дарёси устидаги кўприк қурилиш ишларида иштирок этди. Корхона ушбу қурилишга асосан таянч устунлар, металл аркалар етказиб берди. Шунингдек, Сирдарё дарёси устига қурилган, Қўқон-Наманган-Фарғона водийси бўйлаб 43 километр масофага чўзилган йўл ва кўприклар қурилишида ҳам фаол қатнашди.

Йўл қуриш, кўприк бунёд этиш хайрли ишлардан саналади. Бундай ишларда жонбозлик кўрсатаётган «Профиль» корхонаси ҳозирда республикамиз вилоят, туман шаҳарларида жойлашган қишлоқ хўжалик коллежларига ўқув юрларидаги ўқувчи-талабалар билимини янада ошириш мақсадида хавони ичкарига сўриб олувчи вентилятор мосламалари, металлга қайта ишлов берилгандан сўнг детални тоблаш учун махсус ванналар ва қишлоқ хўжалиги учун зарур дастгоҳлар ишлаб чиқармоқда.

Корхона тadbиркорларининг бугунги кунда давр талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқараётган металл махсулотлари, янги номдаги махсус мосламалари республикамиз саноати ва қишлоқ хўжалиги ривожига муҳим аҳамиятга эга.

ОРЗУГУЛ РУСТАМОВА СУРАТЛАРДА: фрезерчи Арсен Сааян ва чилангар Шокир Усмоновлар махсулот сифатини текширишмоқда; токар Нигмат Шайхов ясаётган детални кўздан кечирмоқда; корхона йиғув цехида ишлар қизгин.



ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИЛМОҚДА

«Тошкент шаҳар телефон тармоғини замонавийлаштириш ва реконструкция қилиш» лойиҳасини амалга ошириш ишлари давом этмоқда. Унинг доирасида АТСлардаги ускуналарни алмаштириш, Тошкент шаҳри транспорт халқасини кенгайтириш мақсадида замонавий узатиш тизимини ҳамда тармоқни ривожлантириш ва истеъмолчиларга янги хизмат турлари кўрсатиш учун фойдаланиш имкониятларини кенгайтирувчи ускуналарни ўрнатиш кўзда тутилган.

Лойиҳани амалга ошириш учун йил бошида тендер эълон қилинган эди. Унда Huawei Tech Co Ltd (Хитой), Германиянинг Alcatel ва Siemens каби компаниялари иштирок этди. Танловда энг мақбул таклифни берган биринчи компания ютиб чиқди. Яқинда «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси ва Huawei Tech Co Ltd шартнома имзолашди. Унга кўра Хитой томони Ўзбекистонга қиймати 4 миллион АҚШ долларига тенг умумий сизими 100000 порт бўлган замонавий ускуналарни етказиб беради.

«Ўзбектелеком» АК хитойлик бошқа бир ҳамкор - «ЗТЕ» корпорацияси билан ҳам шартнома имзолашди. Унга мувофиқ грант ажратган корпорация Ўзбекистонга энг замонавий коммутация ускуналарини етказиб беради.

«ЗТЕ» корпорацияси доимий, мобил, оптик, интеллектуал ва бошқа тармоқлар, маълумот узатиш учун телекоммуникация ускуналарини ишлаб чиқаради. Шартнома доирасида етказиб берилаётган коммутация ускуналарини сизими 5000 рақам бўлиб, уларнинг ярми Тошкент вилоятида, қолгани Сирдарё вилоятида монтаж қилинади.

Коммутация ускуналарини станция сизимини кенгайтириш имконини беради, сигналлаштиришнинг барча турлари, қулай биллинг тизимига эга. Бу эса келгуси авлод тармоғига ўтишга ёрдам беради.

ЎЗА

Ешлар маънавий етуқлигини, соғлом фикр-лашнинг энг муҳим мезонларидан бири ватанпарварликдир. Ватанпарварлик ҳусини ўз фарзанди қалбига сингдира олган ота-онанинг, шундай рух билан яшаган халқнинг келажаги порлоқдир. Ҳуртини севган, унинг порлоқ келажасига ишонган ҳар бир фуқаро, ҳар бир ёш учун юрт тараққиётига улуш қўиши асосий мақсад бўлмоғи зарур. Бизнинг асосий мақсадларимиздан бири ватанпарварлик ва миллий ғурурни ёшлар дунёқарашига сингдиришдан иборат.

Халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос бўлиб келаётган миллий кадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган. Уларнинг ўтмиши уч минг йилдан ортиқ даврни ўзида мустақамлаштирган бўлиб, Марказий Осиё цивилизациясини яратди. Бизнинг миллий кадриятларимиз ана шу цивилизацияга хос жиҳатлар тузилган макон, она Ватанга эҳтиром, авлодлар хотирасига, катталарга ҳурмат, орият, ҳаё, андиша, меҳмондўстлик, меҳр-шафқат, баркиренглик каби фазилатларнинг устуворлиги билан характерланади. Ешларнинг маънавиятини ана шу жиҳатлар билан бойитиш, авваломбар ватанпарвар-

УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ

Дунёдаги барча халқларнинг яхшими, ёмонми киндик кони тўқилган, аждодларидан абадул-абад мерос бўлиб қолган Ватани бор. Ватан замини тоғу тошми, гиёҳ битмас саҳроми, у шу ерни «Ватаним» деб билган миллат учун азиз ва мўтабардир. Чунки, инсон учун она битта бўлганидек Ватан ҳам ягонадир.

катлар каторидан ўрин олиши учун халқимизнинг турмуш маданиятини юксалтиришдан иборатдир. Туркистон фарзандлари қилинган кура қалами, ёвузликдан кура яхшилиқни, бузишдан кура яратишни афзал билган эл. Бу юртнинг азиз авлиёлари, улуг алломаларининг илму-маърифати, ақл эиёси билан йўрилган заковатлари қабохатни чекинтириб, зулматни ёритган. Ҳозирги авлодларимиз ҳам миллий маънавий кадриятларни тиклаб, Ватан ва миллатнинг асл фидойисига айлиниб, саодатли кунларда яшамокдалар. Келажақдаги фаровонлигимиз манбаи эса меҳнатда, илмда, фахм-фаросатликда. Шунинг учун ҳам Президентимиз ёшлар тарбиясига, уларнинг илм олиши, маънавий баркамол инсон бўлиб етишишига катта аҳамият бермоқда. Ешларнинг маънавий

дунёқарашини шакллантиришда кино, театр, бадий адабиёт, миллий кадриятларимизни, маданий меросимизни чуқур ўрганиши катта аҳамият касб этмоқда.

Тинчликни юксалтирувчи яна бир жиҳат — бу маънавиятдир. Биз илк мустақиллик йилларида жаҳонга маънавиятимизни таъриф қилган бўлган Навоий, Бобур, Улуғбек, Беруний, Фиробий, Ибн Сино, Амир Темур, Имом ал-Фаробийдек буюк шахсларимиз танитди. Шундай экан, ёшларда маънавий куч-қудратни ўстириш, шакллантириш ларни ўз кўзимизнинг фидойилари қилиб тарбиялаш ҳозирги замон талабидир. Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат унинг руҳи, ақли ва жонидир. Ушбу фикр-

дан келиб чиққан ҳолда буюк келажагимизга эришишимиз учун ёшларимиз оқил, маърифатли, шу билан бирга ўзининг ўтмиши, маданий мероси улуг кадриятлари, миллати билан фахрланидиган ва келажаққа ишонадиган етук, қомил инсон бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Маънавий баркамол ёшларгина жамиятни тараққиёт йўли сари олға етаклайди.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ва умуминсоний кадриятлар ёшларнинг маънавий салоҳиятини шакллантиришда, уларнинг ҳар томонлама қомил инсон, мукаммал шахс бўлиб етишишида асосий ўрин тутайди ҳамда келажагимизни белгилашда мустақкам пойдевор бўлгучи омилдир. Миллий ва умуминсоний кадриятлар ёшларга ҳаёт мазмунини чуқурроқ тушуниш, жамият қонун-қоидаларидан тўғри фойдаланиш, ўзларининг хатти-ҳаракатларини ана шу маънавий мезонлар талабига мослаштириш имконини беради.

Саодат ЙЎЛДОШЕВА,
Абдулла Қодирий номидаги
Тошкент давлат маданий институти
кафедра мудири, профессор.

Қадриятларимиз

Инсон бутун умри давомида сон-саноксиз кадриятлар оламида яшайди. Инсониятни ўраб турган борлик, атроф-муҳит, табиатнинг энг муҳим томонларини ифодалайдиган кадриятлар умумбашарий хусусиятларга эгадир. Аждодларимизнинг Истиклол наъшидасидан, наъматларидан баҳраманд бўлиш тўғрисидаги асрий орзу-умидлари рўёбга чиқмоқда. Мустақиллик жараёни ҳаётимизнинг барча жабхаларида ўзини рўй-рост намоён этмоқда.



АЖДОДЛАРГА БЕБАҲО МЕРОС

Салтанат опа Сиддиқовани кўпчилик ҳамюртларимиз яхши танийди ва ҳурмат қилади.

— Халқнинг миллий ва маънавий кадриятларини эъзозлаш ва тарғиб қилишда, энг яхши удуи ва аъёнларини омдалаштиришда, миллатлар ўртасида дўстлик, тинчлик, оқсоқиллик янада мустақамлашда, халқимизнинг миллий анжомлари ва жиҳозлари кийим-кечакларини улуглаб кўз қорачиқдек асрашда миллий этнографик фольклор кўшиқларини, лапар, ёр-ёр, аллани тарғиб қилишда ўзининг ақл-идроқи меҳнати ва олижа-

ерда VI ва VIII асрлардаги хумлар, кўзалар, қасқонлар, челақ, тарози, жамики тириклик учун керак бўлган нарсалар, аёллар паранжи-чачвон, кўйлак ва нимчалари, дўппи, зебигардонлар, тақинчоқлар, бешик, сандиқлар, курсилар, ҳар хил қўғирчоқлар, шиша идишлар — ҳамма-ҳаммаси мавжуд. Аядан бу ташаббус ва фидокорликнинг сабаби нимада деб сўрадим.

— Аввало қизиқш сўнгра отам васияти, — дея жавоб берди ая. — Мана 49 йилдирки ота-боболаримиздан қолган ноёб тарихий буюмларни асраб-авайлаб келаялман. Юрт кезиб шу анжумларни йиғдим, торгина уйимда жонимнинг бир бўлагидек асраб келмоқдаман. Ахир булар ўтмишимиз, кейинги авлодларга эсдалик дунёнинг 18 та мамлакатиди



ноблиги билан тараннум этиб эл меҳри ва олқишига сазовор бўлиб келаётган эл у.

Отаси урушга кетганда Салтанат ёшгина қизалоқ эди, 2-синфда ўқийши ташлаб далага ишга чиқди. 1944 йил жамоа ҳўжалиги раиси 9 ёшли қизалоққа бир ўзи 10 та одамнинг ишини қилгати деб, 3 метр мато, 20 кило бўғдой, 5 та совуни ва 1 та қалиш берди. 1945 йил 35 ёшида отаси бир оёбидан ажралиб қўлтиқтайда уйга кириб келди. Қоровой ака ўшанда қизига қараб, «Қиз эмас ўғил бўлиб туғилган экансан. Еш бўлишинга қарамай йўқлигини билдирмай келибсан, Худо бахтингни онсин қизим», — дея дуо қилди. Отаси Қоровой ака Амир Темур авлодидан эди. У қизига Соҳибқироннинг дунёга келиши ҳақидаги ҳикоясини сўлаб берганида ёш Салтанат жуда ҳаяжонланган, отаси вафотидан олдин эса боболари меросини кўз қорачиқдек асрашга ваъда берган...

Салтанат опа Сиддиқова бугун 70 ёшни қораламоқда. 13 фарзанднинг онаси, 54 неварга, 4 завраннинг меҳрибон бувиси. Ақмал Икромов туманидаги «Богистон» маҳалласида истиқомат қилади. Аянинг уйига борар эканман ҳаёлимда биргина фикр чарх урди: «Ўзлари «Дом»да яшасалар, қандай қилиб музей ташкил қилган эканлар-а? Эшикдан ширин табассум билан кўтиб олган авлини кўриб хайратим ошди, сабаби уларнинг 70 ёшни қаршилаётган аёл эканликларига ишониб бўлмасди. Уй-музейни, унинг ичидида анжомларни кўриб эса қизиқишим янада ортди. Бугун бошли саройга, қадимий оморсонларга кириб ўша замонда яшаётгандай сездим ўзимни. У

Салтанат Сиддиқова гайрат ва шиқоватга тўлиб-тошган аёл. Бу аёл билан суҳбатлашар эканман фидойи сўзининг маъносини янада тереңроқ англай бошладим. Онахон нодир топилмаларни кўрсатар экан кўзида ёш билан, хали қиладиган ишлари кўп эканлигини, кўзи очиклигида музей учун янги бино қуриб, уни янада кенгайтириши лозимлигини, бунинг учун эса, жой, маблағ, катта куч ва яна шиқоват кераклигини таъкидлади. Ҳа, дарҳақиқат кўз қорачиқдек асраб-авайлаб келганлари бу катта бойлигини то ишончли қўлларга топширмагунча, музейни қуриб янгиламанича, ушунга ахтиржам бўлмайди.

Турмуш ўртоғининг Бевақф вафотидан сўнг 13 фарзандни оқ юзиб, оқ таранг, 2 та етим болани асраб уларга ҳам бутун меҳнати берган. 35 йил далада тер тўкиб меҳнат қилган «аждодаларимиз учун» дея тарихий меросимизни кўз қорачиқдек асраб-авайлаб келаётган бу аёлга ҳар қандай таъриф оз.

Мен бу кутлуг хонадондан қайтар эканман ўзбекининг шундай жонқуяр аёли борлигидан фахрландим. Аёл этонинг қудратига, сеҳрию матонатига яна бир бор тасанно айтадим. Зеро шундай аёллар борлиги учун ҳам ҳаёт гўзал, умр сермазмундир.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: Салтанат ая Сиддиқова ва унинг уй-музейидаги ноёб буюмлар, тарихий анжомлар.

Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар.



Мурожаза

МЕҲР-МУРУВВАТ — ИНСОННИ БЕЗАЙДИ

Аслида меҳр-мурувват азалий умуминсоний хислатдир. Меҳр-мурувват кўрсатиш ақсарият ҳолатда икки хилда - иқтисодий ва маънавий йўналишларга эга бўлади. Биз ҳозир маънавий йўналишдаги меҳр-мурувват ҳақида тўхталмоқчимиз.

Муқаддас Исом таълимоти бўйича ҳам, илмий физиологик, психологик, маърифий нуқтаи назардан ҳам ҳар бир инсон зоти икки бири-бирдан ажралмас омилдан - руҳ ва жисмдан ташкил топган. Инсоннинг мавжудлиги бир қарашда иқтисодий, моддий эҳтиёлларни қондириш билан боғлиқ. Аммо жисм руҳ билан шунчалик уйғунлашиб, чағиштиб кетганки, иқтисодий эҳтиёлларни қондириш билан жисмини сақлаб, ривожлантириб бўлмайди. Иқтисодий ва маънавий эҳтиёлларни бир ҳолда, бир пайтда қондириш орқали биз инсон ҳаётининг мавжудлиги ва ривожланиб боришини таъминлашимиз мумкин.

Маънавий эҳтиёллар нима-лардан иборат? Инсоннинг бутун руҳий оламни мия бошқарилади. Инсон куладай, йиғлайди, ҳаяжонланади, хотиржам бўлади, буларнинг ҳаммаси миядан келаётган сигналларга боғлиқ. Инсоннинг бутун руҳий ҳолатида кечувчи барча ўзгаришларнинг сабаблари, манбалари ташки оламда мавжуддир. Инсонни ишлатадиган, қулдирадиган, ўйлан-тирадиган, ҳаяжонлантирадиган воқеа-ҳодисалар ташки оламда тўлиб ётибди. Бу ҳодисаларнинг айримлари инсон руҳиятига ижобий таъсир қилса, айримлари салбий таъсир қилади.

Ташки руҳий таъсирлар шунчаки ўз-ўзидан рўй бериб қолмайди. Улар ички маънавий эҳтиёллар туфайли рўй беради. Яъни, қулиш ҳам, йиғлаш ҳам, ҳаяжонланиш ҳам, лаззатланиш, хотиржам бўлиш - барча руҳий эҳтиёллар инсон руҳиятида жамуллаб этилган. Демак, бу руҳий жараёнларнинг бирортаси инсонда тўлиқ намоён бўлмаса, инсон миссининг худди шу нуқтаидаги бирор-бир заҳали билан боғлиқ бўлади. Доимо қулиб, қувноқ юрадиган, йиғламайдиган, руҳий-изтиробларни бошидан кечирмайдиган одамнинг миссида, демак, бирор-бир руҳий заҳали бор. Еки ақсинча, кам қуладиган, доимо қаҳақол, сиқилиб юрадиган одамнинг миссида ҳам бирор бир руҳий заҳали бор. Демак,

инсон ўрни келганда заҳалининг кула олса, хурсанд бўла олса, ўрни келганда изтиробга тушиб, чинакам қайғура олса, ўрни келганда тўқинланиб, ўрни келганда хотиржам бўла олса, яъни, барча руҳий жараёнларни табиий равишда ўзида намоён эта олса, бундай одам батамом соғлом ҳисобланади.

Бу жараённинг энг муҳим меъёри - бутун руҳий оламнинг бир оҳангда намоён бўлиб туришидир. Қулишнинг ҳам, йиғлашнинг ҳам, ҳаяжонланишнинг ҳам, лаззатланишнинг ҳам ўз меъёри бор. Меъёр бўзилмаганда инсон жисмига зарар етмайди. Меъёр бўзилганда инсоннинг жисмига ҳам, руҳиятига ҳам маълум зарар етади.

Рухий эҳтиёллар ва уларнинг қондирилиш меъёрлари қандай пайтларда бўзилади? Бу борадаги учта энг муҳим омилни кўрсатиб ўтиш жоиз. 1. Маънавий қашшоқ, салохияти паст одамларнинг таъсири. Маънавий қашшоқ одамнинг ташки кўриниши, кийиниши, муомаласи дурустдек кўринади. Маънавий қашшоқ одамлар орасида ҳам мансабдор шахслар, олимлар, аъувичилар бўлиши мумкин. Аммо, маънавий қашшоқ одамларнинг энг катта камчилиги - уларда меҳр-мурувват, илиқлик, самимият жуда паст даражада бўлади. Улар ўзларидан инсонийлик нурларини тарата олмайдилар, ақсинча, улардан қандайдир совуқлик, ҳафсалани пир қиладиган руҳий таъсир, ноҳуш кайфиятлар таралади.

2. Кийинчиликлар, ҳасталик, бетоблик. Иқтисодий ёки бошқа соҳадаги кийинчиликлар инсон руҳини кучли изтиробга солиб қўяди. Сурункали касалликлар ҳам умидсизлик ва асабийлашишларга сабаб бўлади. Бу кийинчиликлар, бетобликлар баъзан жамият, буюк таъсирда рўй берса, баъзан инсоннинг ўз хатолари туфайли юзага келади.

Демак, ҳар бир инсоннинг руҳий тинчлиги, маълум кўтаринчи кайфият билан яшashi, шу тариха соғлом ҳаёт кечирishi ва самарали фаолият кўрсатиши ҳам ташки, ҳам ички таъсирларга боғлиқ.

Маънавият — ақл кўзгуси

Амир Темур давлати қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарку Фарб давлатларига ўрناк ва андоза бўлди. Унинг замонида маданият, илму фан, меъморчилик, таъиний санъат, маънавият, шеъринг ривож топди. Халқимизнинг кўп аъёнлари тақомилга етди. Амир Темурнинг маданият ва дин аҳлларига кўрсатган чекисиз меҳр-мурувати, айниқса, ибратлидир. Кўна тарих саҳифалари буюк бобомизнинг миллат ва эл-улус манфаати борида чеккан мисолсиз заҳмат ҳамда кўрсатган шиқоватларига гувоҳлик беради.

Музейларга

ТАРИХИМИЗ ДУРДОНАСИ

Буюк тарихий шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб Соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини ҳаёб кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади, дейиш мумкин. Умрининг мазмунини "Миллат тарихидан ичига дардман бўлишдан иборат" деб билган Амир Темур халқимизнинг ана шундай ардоқли, улуг фарзандидир.

Амир Темурнинг сиймосини эслаш керак, деган гап айни ҳақиқатдир. Президентимиз тарихчи олимлар билан бўлган учрашуда таъкидлаганларидек: "Модомики ўз тарихини билгани, ундан руҳий қувват оладиган халқни энгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз керак, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан ҳурроқлаштириш зарур".

Бугун бутун маърифий инсоният XIV аср буюк шахсининг тарихий ролин муносиб баҳолаётми.

Бугунги кунда Темурийлар тарихи Давлат музейи Президентимиз ва халқимиз билдирган ишонч оқламоқ-

да, 2004 йил 18 октябрда музей ташкил топганининг 8 йиллиги муносабати билан "Тарихимиз дурдонаси" деб номланган байрам тадбири ҳамда Хожа Ахрор Валий тававаллудининг 600 йиллигига бағишланган "Амир Темур ва Темурийлар даври: янги тадқиқотлар" маърузида маънавий Республика илмий-маънавий аномуми ўтказилмоқда. Мазкур байрам кунин музей томошабинларга беғулун хизмат кўрсатади. Шу кунин музей кўргазма залларида ташкил қилинган "Амир Темур ҳаётидан лаъвалар", "Шоҳрудию топилмалари", "Амир Темур — Клавихо — Самарқанд", "Меросимиз довамчилари" номли

Тағбирлар

УЛУГ АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда бой ва бетакрор маънавий мерос ворислари эканимизни англаш, миллий ва маданий кадриятларимизни тиклаш ва уларни ёшлар онгига сингдириш борасида самарали ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан шу йил ислом фалсафаси ривожига улкан хисса қўшган буюк мутафаккир аллома Хожа Ахрор Валий тававаллудининг 600 йиллигини нишонлаш жойларда қизгин тарзда

нидан берилган улуг унвондан нишонандир. «Хожадегани бу «Хожагон» тарикатига, Нақшбандия тарикатига тааллуқлилигини билдирса, «Ахрор» деганда «Хуррият» — қалб хуррияти ва ахрор хурриятини ўзида муҷассам этган инсон сифатидаги фазилати ақл этади. «Валий» дегани эса у кишининг қароматлари, қашифетларидан нишонандир.

Яқинда Мирзо Улуғбек туманидаги ўқувчилар ижодиёт марказида шибۇ туман халқ таълими бўғайи ҳамда 24-мактаб ҳамкорлигида Хожа Ахрор Валий тававаллудининг 600 йиллигига бағишланган адибий кеча бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент Исом университетининг ўқув кафедре мудири, профессор Абдулҳай Шарий Ҳамид Жузжоний, Халқаро «Олтин мерос» жағгармаси раиси Зарифа Эшмирасева, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими раҳбари Халима Жуманиезова, 241-мактабнинг тарих ўқитувчиси Робия Раҳматуллоева ва сўзга чиқиб Хожа Ахрор Валийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, Нақшбандия тарикатининг ҳақиқий инсонийлик, меҳнатсеварлик, адолатлилик, ҳалоллик, поклик, юртпарварлик, меҳр-муруватли бўлиш каби ғояларни кенг тарғиб қилишига қўшган салмоқли хиссаси ҳақида тўхта-



ўтказилмоқда. Хожа Ахрор Валийнинг асли ким бўлганини ҳақида тўхталадиган бўлсақ, шуни айтиш жоизки, у кишининг тўлиқ исми Хожа Убайдуллох Ахрор Валийдир. Бу алломага халқ томо-




либ ўтидилар. Шунингдек, кечада 241-мактаб қошида ташкил этилган бадий жамоа ҳамда Ўқувчилар ижодиёт марказининг театр студияси қатнашчилари меҳр-муруват таъғирисидида хадислардан намуналар ҳамда дилбар куй-қўшиқлар, жозибали рақслар, ривоятлар, Хожа Ахрор Валий ҳаётига бағишланган сазна кўринишларидан парча ижро этидилар.

— Инсоният тараққиётига салмоқли хисса қўшган буюк аллома Хожа Ахрор Валий дарҳақиқат, маънавиятимиз ривожига ўзига хос ўрин тутувчи меҳр-муруватли зотлардандир, — дейди Ўқувчилар ижодиёт марказининг «Маънавият ва маърифат» бўлими раҳбари Ширмоной Асранова. — Алломанинг инсонни маънавий етуқликка бошловчи, ёшлар тарбиясига дахлдор ҳикматли сўзлари бугунги кунда қайта жарангли бошлади. Биз бундай улуг аждодларимиз билан фахрланишимиз керак.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: Ўқувчилар ижодиёт марказида ўтган тадбирдан лавҳалар.
Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Шарқ дурдоналари



• Кадр-қимматини эъзозлайдиган одам ҳокисор, камтар, камсукум, иззат-нафсли, ориятли, адолатли ва аҳамиятли бўлади, ўз шаънига доғ туширмайди. Кадр-қиммат ҳақида гап борар экан, баъзи яхши фазилатларга керагидан ортиқча тус берилганда бошқача маъно касб этиб, хунук бўлишини ҳам айтиш керак. Масалан, ҳокисор бўлиш яхши, лекин ўта ҳокисорлик қилинаверса, яхши-ёмонга бўйин эгиллаверса, бундай содда, оддий, самимий ва кўнгли бўш кишини калака қиладиган, фириб бериб кетадиган тулқак кимсалар ҳам учраб туради.

• Камтар-камсукум бўлганда ҳам ўз иззат-нафсини сақлаш, кадр-қимматини билиш зарур. Камтарлик ҳар кимсага эгилиш, ўзини ҳаммадан паст тутиб, хас-чўпдек хор-зор кўрсатиш эмас. Бу ҳақда доно хикмат ҳам бор:

Эгилганга эгилгин — бошинг ерга теккунча.

• Иззат-нафсини ерга уриш, бирор нарса илинжида елпатак бўлиш, ўз инъон-ихтиёрини бировнинг қўлига бериб қўйиш ҳам кадр-қиммат чининини чил-чил қилиб юборади.

• Орият уялишининг ҳам чеки, меъёри бор. Ўта ориятли бўлиб, ўз ҳақ-хуқуқидан айриладиган, оғзидагини олдириб қўядиган одам ҳаёт насибаларидан бебахра қолади ва айна ҳолатда кадр-қимматини йўқотади. Ноўрин тортинчлик қилинаверса, одам дарё кирғоққа чиқариб ташланган сомон парчасидек кўпчиликдан четга сурилиб қолади. Инсоний гўзал фазилатларнинг «жилғаси» оқиб бориб, кадр-қиммат «дарёси»га қуюлади. Агар «жилғалар» қанчалик раvon оқса, мусадфо бўлса ва ёмон ният қўшилмаса кадр-қиммат «дарёси» шунчалар азим, азиз ва жўшқин бўлади.

• Кадр-қиммат инсоннинг ҳам заҳирий, ҳам ботиний ҳис-туйғулари билан бўлиб, у катта рухий мадад бағишлайди. Иззат-обрўли, кадр-қимматли, эъзоз-эътиборли одамнинг кўзидан нур, юзидан сурур, хатти-ҳаракатидан ёқимли гурур ёғилиб, унга гўзал салобатли, покиза адолат, улуғ шон-шавкат рамзини бағишлайди.

• Меҳнат — бойлик манбаи.

• Меҳнат — инсон ҳаёти асоси.

• Меҳнат инсонда ижодий куч уйғотади.

• Инсон меҳнат билан камол топади.

РЕКЛАМАНГИЗ ҚОНУНГА МОСМИ?

Сифатли маҳсулот рекламага муҳтож эмас, деган ибора бугунги кунда бироз эскирди. Тезкор замон ҳар бир соҳадан шунга монанд ҳаракат қилишни талаб этаётир. Бу эса реклама бозорининг жадал ривожланишига йўл очмоқда.

Бугун реклама маҳсулот ёки хизматлар ҳақидаги оддий хабар эмас, балки истемолчида яхши таассурот қолдирадиган мазмун ва моҳият касб этаётир. Лекин рекламанинг энг муҳим жиҳати унинг жим-жимадорлигида эмас, балки қонунга мослигидадир.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонунинда маҳсулот ва хизматга доир маълумотлар аниқ акс этиши, истемолчига зарар етмаслиги белгилаб қўйилган. Чалғитадиган, ёлғон ёки ноаниқ маълумотлар тарқатилиши қатъиян тақиқланади.

Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси ходимлари ушбу қонун ижросини таъминлаш мақсадида мунтазам

равишда мониторинг олиб борапти.

Истемолчига нотўғри ахборот тақдим этаётганларга нисбатан қонуний чоралар кўрилмақда.

«Автоцентр» масъулияти чекланган жамияти томонидан тарқатилган «LG кондиционерлари дунёда биринчи ўринда туради» мазмунидаги реклама юзасидан суриштирув олиб борилди. «Автоцентр»да ўзи реклама қилаётган маҳсулотнинг жаҳонда биринчи ўринда туришини тасдиқловчи ҳужжат йўқ экан.

Истемолчиларни асоссиз чалғитгани учун «Автоцентр» масъулияти чекланган жамияти энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридан жарима тўлашга мажбур бўлди.

Бошқарма томонидан жорий йилда ўтказилган 32 мониторинг натижасида рекламага оид қонунчиликни бузган айбдорларга нисбатан 16 миллион сўмдан кўпроқ жарима солинди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

ГИЁВАНДЛИК — ИЛЛАТ

Ёшларнинг маънавий онгини бойитиш, уларни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялаш, ОИТС ва гиёвандлик иллатларидан холи муҳитда ўсиб улғайишлари учун мамлакатимизда кўпгина тadbирлар ўтказилмоқда.

Маълумотларга кўра, республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан шу йилнинг биринчи ярим йиллигида 133 нафар шахсга нисбатан 86 та жиноят иши қўзғатилган. Улардан жами 188 килограммдан зиёд гиёванд моддалар олинди, мусодара қилинган. Ҳар йили ҳуқуқ-тартибот идоралари, суд идоралари, тиббиёт ходимлари БМТ ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида гиёвандлик воситалари ёқиб юборилади. Мазкур тadbирларда жами 565 килограмм гиёванд воситалари йўқ қилинган. Унинг 156 килограммининг героин ташкил этади.

1994 йилдан бошланган мазкур тadbирларда жами 37 тоннага яқин гиёванд моддалар йўқ қилинди. Бу ишга юртимизда фаолият юритаётган кўпгина халқаро ташкилотлар ҳам ўз лойиҳалари орқали кўмаклашмоқда. Тошкент шаҳрининг Яққасарой туманида мазкур лойиҳалар доирасида туркум семинар-тренинглари ўтказилмоқда.

Ўқоридаги лойиҳалар асосида шаҳарда ўн та ишонч пунктлари очилган. Уларнинг асосий мақсади ОИТС профилактикаси, гиёвандлик, аҳоли ўртасида касалликнинг салбий оқибатлари ва унинг олдини олиш ҳақида тўлиқ маълумот беришга қаратилган. Яққасарой тумани аҳолисининг анчагина улусини ёшлар ташкил этишини инобатга олиб тadbирга тумандаги ўқув муассасаларининг ўқувчилари тақлиф этилди. Эндиликда улар ўз мактаблари, маҳаллалари ва тенгдошлари орасида гиёвандликнинг салбий оқибатлари юзасидан тарғибот ишларини олиб борадилар.

Шундай семинарлар шаҳарнинг бошқа туманларида ҳам ўтказилади.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс»

Тadbирлар

БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАР НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимидаги Авария-қутқарув, қидирув-қутқарув тузилмалари ва ҳудудий «Қутқарув хизмати» шахсий таркибининг жанговар ва касбий тайёргарлигини такомиллаштириш, касб маҳоратини ошириш мақсадида ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг 2001 йил 21 декабрдаги «Халқаро табиий офатлар хавфини камайтириш стратегияси тўғрисида»ги резолюциясига биноан, ҳар йили октябрь ойининг иккинчи чоршанбасида нишонланадиган «Халқаро табиий офатлар хавфини камайтириш куни»га бағишлаб Республика миқёсида тadbир ва мусобақалар бўлиб ўтди.

Унда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Авария-қутқарув кучлари бошқармаси, Фуқаро муҳофазаси институти ва Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан пойтахт аҳолиси, олий ўқув юрти талабалари билан учрашув, назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди.

Уч кун давом этган тadbирдан Тошкент шаҳар «Қутқарув хизмати» куч ва воситаларининг намоёниши ҳамда қутқарувчиларнинг кўргазмали чиқишлари, ҳарбий ва махсус кийим-бош бўйича саф кўриги ҳам ўрин олди.

Хусусан, тadbир доирасида Ўзбекистон Миллий боғида Фавқулодда Вазиятлар Вазирлиги фуқаро муҳофазаси институти ходимлари ҳамда Тошкент шаҳар Фавқулодда Вазиятлар Бошқармаси куч ва воситалари, шунингдек, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва «Экосан» жамғармаси вакиллари иштирокида катта анжуман бўлиб ўтди. Тadbирни Тошкент шаҳар Фавқулодда Вазиятлар бошқармаси бошлиғи, пол-



ковник Эргаш Икромов кириш сўзи билан очиб, ўтказилаётган учрашувнинг мақсади, моҳияти ва тартиби ҳақида иштирокчиларга маълумот берди.

Фуқаро муҳофазаси

да маъруза қилди.

Шундан сўнг «Табиий офатлар хавфини камайтириш тўғрисида», «Халқаро терроризм» ва «Оғоҳликка даъват» мавзуларида Фуқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчилари, истемлоғидаги подполковник И.Раҳмонов ва З.Илёсовлар сўз юритдилар.

«Экосан» жамғармаси томонидан Фавқулодда Вазиятлар Вазирлиги тизимида фаол хизмат қилаётган ходимлар ҳамда жамоатчилик вакиллари эсдалик совғалари топширилди.

Шундан сўнг тadbир иштирокчилари майдонда намоёниш этилаётган махсус авария-қутқарув, техника ва асбоб-ускуналар, шунингдек, ўқув адабиётлари, услубий қўлланмалар, деворий газета ва стендлар билан танишдилар. Бунда ҳар бир махсус техника ва авария-қутқарув асбоб-ускуналаридан фойдаланиш усуллари йиғилганларга атрофлича тushунтирилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган тadbирдан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.



Шифобахш

Ҷисмийликлар

БЕКЛАР ЎТИ

...Ичдаги дамни тарқатади ва қўздиради... Таомни ҳазм қилдиради... Уруғи ва илдизи кўз хираланишига фойда қилади ва уни тозалайди. Кўпир ва қўчималардаги оғриққа фойдалидир.

БЕШБАРГ

...Бешбаргни қўйиб боғланса, қон оқшини тўхтатади... Уни йирингли шишлар ва балғамдан бўлган қўтиқ шишларга қўйиб боғланади.

Илдизнинг қайнатмасини югурувчи яраларга, ўзининг сирқаша қайнатилганини учуққа қарши ишлатилади.

Ичирилса ва қўйиб боғланса бугун оғриқларига фойда қилади.

Илдизнинг шираси ўпка оғригида ишлатилади. Илдиздан олинган ширани туз ва асал билан қўшиб бир неча кун ичирилса, жигар оғригида ва сариқ касаллигида фойда қилади.

Илдизи ичак яраларига, ичке-тишга ва бавосилга фойда қилади. Илдизнинг қайнатмаси ҳам шундайлир.

БУҒДОЙИК

Қонаб турган жароҳатларни ёпиштирилади.

Қайнатмаси тошни чиқариб ташлайди. Уруғи пешебни юргизади ва ични қотиради.

БЎТАКЎЗ

Тутқаноқда ичирилса ва юз фалажиде бурундан юборилса, зўр фойда беради. Бурундан юборилса, мияни тозалайди.

ГОРЧИЦА

Балғамни қўчирди. Юзни тозалайди, қонталашни ва ўлик қоннинг изини кетказди.

Кўпир ва темиркаталарга фойда қилади.

Бўгин оғриқларига фойда қилади.

Бошни рутубатлардан тозалайди, летаргия билан оғриган кишининг бошига қўйиб боғланади. Унинг сувини қўлоқ ва тиш оғриқларига томизिलाди.

Уни майдалаб асал суви билан қўшиб ичилса, ўпка пастиздаги доимий дағаллиқни кетказди.

ГОВЗАБОН

Қуйдирилгани болалардаги оғиз чақаланишини кетказди ва оғиз ловдулаганини тинчитади. Говзобоннинг ўзи ҳам шундай таъсир қилади, аммо сустроқ.

Юракни кучли қилади. Йўталга ва ўпка пайининг қирлишига, айниқса, асал суви ва шакар билан қўшиб қайнатиб ичилса, фойда қилади.

ДАЛАЧОЙ

Япрогининг суяқ суртмаси оловдан куйганга фойдалидир. Катта жароҳатларни, ёмон хил яраларни бириктиради. Буни янчиқ илврирган ва сасиган яраларга сепилса, фойда қилади.

ДАРМАНА

Дармананинг суви билан иситилса кўз оғригини тарқатади. Нафас олиши қўйин бўлган кишига фойда қилади.

Дармана гижжани ва қовоқ уруғига ўхшаш гижжани ҳайдайди ва ўлдирди, ҳайз қони ва сийдикни юриштирилади.

Унинг ёти секин ўсадиган ва тўкилиб кетаётган соқолни ўстиради, шиш ва чипқонларни қайтарди

Давоми. Боши 1-бетда.

Бу йилги турнирнинг эътиборга лойиқ томонларидан бири шунда бўлдики, унда жароҳати туйғайли деярли бир ярим йил теннис кортларига тушмаган Ўзбекистон ва жаҳон теннисининг ёрқин юлдузи Ирода Тўлаганова ҳам иштирок этди. Ироданинг профессионал спортга қайтиши айнан қадрдон диёрда бўлиб ўтгани кўпчиликни қувонтиргани шубҳасиз. Кортда Ирода Тўлаганова маҳоратли ўйинчи эканлигини тўлиқ ифодалай олди десак муболага бўлмайди. Дастлабки биринчи раундда у йинидаёқ у турнирнинг энг кучли теннисчиси ҳамда биринчи ракам билан сараланган Марион Бартолига қарши яхши ўйин кўрсатди. Турнирга wild card орқали йўлланма олган Ирода жаҳон рейтингда 41-ўринни эгаллаб турган французиялик спортчици осонликча енга олди. Тўғри, иккинчи босқичда ҳамюртимизга унинг рақиби имкониятлари устун келганлиги учун эмас (италиялик Антонелла Серра Занетти WТАнинг 102-поғонасида туради), балки, мутахассислар таъкидлаганидек, об-ҳавонинг кескин ўзгариши жароҳатига салбий таъсир кўрсатгани сабабли омад чопмаган бўлса-да, аммо Ироданинг дастлабки натижалари яна бир бор унинг биринчи йигирмаликдаги кучли спортчилар сафида қайтиши имконияти борлигини далиллат беради.

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида яхши натижалар кўрсата олмаган Оқул Омонмуродова «Тошкент опен—2004»-га катта умид боғлаган эди. Аммо у, афсуски, кортда саралашдан асосий турнирга чиққан Мария Головизина (Россия)га қарши бор имкониятларидан фойдалана олмади. Таъкидлаш ўринлики, Оқулда спортда энг керакли жисмоний ва маънавий жиҳатлар муҷассам, бироқ асосийси — техникавий тайёргарлиги ҳануз панд бермоқда. Буни эса фақат тажрибали мураббий кучи билан шакллантириш мумкин. Ҳозирча эса Иродадан кейин иккинчи бўлган ўзбекистонлик теннисчи ўзига ўзи мураббийлик қилади... Саралаш ўйинларининг иккинчи босқичидаёқ турнирни тарқ этишга мажбур бўлган бошқа ҳамюртимиз Иванна Исроилованинг муваффақиятсизликларини ҳам айнан мураббийи бўлмагани билан изоҳлаш мумкин. Дарвоқе, «квалификация»да шунингдек яна 13 та Ўзбекистон теннис мактабига мажсуб спортчилар иштирок этган бўлса, уларнинг биронтаси ҳам асосий жадвалга чиқа олмади.

Энди эса Тошкент турнирининг янги қаҳрамони тўғрисида бироз батафсил тўхталиб ўтамиз. Дарҳақиқат, сўнгги уч кун давомида бундай таъриф Николь Ваидисовига нисбатан кўп мартаба қайтарилди ва томошабинлар асло адашишгани йўқ. Аммо шунга ҳам айтаётган кераки, бошида на томошабинлар ва на мутахассислар турнирда вазият бундай кескин бурилишини кутишмаганди. Николнинг олдинга чиқиб олиши кўпчилик финалга чиқиши, ҳаттоки турнир голиблигини башорат қила-

ётган америкалик Мегханн Шагнессининг мағлубияти каби қутилмаганда тезкорлик билан юз берди.

Шу ўринда яна бир бор теннисчилар орасида аънавий юригилаётган «спортда олдиндан аниқ фикр билдириш қийин» деган иборани қайтариб ўтиш мумкин. Николь нимчорак финалда турнирнинг тўртинчи сараланган ўйинчиси Арантха Паррадан (Испания) устун келиб, ярим финалда эса иккинчи ракам билан сараланган Мегханн Шагнессини енгди. Америкалик теннисчининг тақдирга суянадиган спортчилар қаторига кириши яққол

маротаба ITF таснифидоги турнирларда голиб бўлган, лекин WТАда шохсўпага эгалик қилишга хали улгурмаган.

Николь Бутунжаҳон профессионал теннисчи аёллар уюшмаси таркибидоги мусобақаларда шу йилнинг февраль ойидан бошлаб қатнашиб келмоқда ва Ванкуверда бўлиб ўтган турнирда илк голибликни қўлга қиритган. Демак, ўсим ёшда бўлишига қарамадан, у профессионал спортда голиблик нашидасини татиб кўришга улгурган. Чехиялик спортчи эндигина 15 ёшни қоралаган. Мураббийси отаси бўлса ҳам, қизини шогирд сифатида асло аямайди. Бинобарин, финал ўйинидан олдин бир соат давомида отаси Николни Бетухтов қоптоқ қайтаришга ундаганининг кўпчилик томошабинлар гувоҳи бўлишди.

Виржиния Россано билан бўлган учрашувда Николь кўп хатоларга йўл қўйди. Қизиги шундаки, бундай вазият кўп қайтарилсада, ҳар сафар Николь умидсизликка тушмасдан ўзини қўлга олиб, хатоларини тезлик билан тузатишга ҳаракат қилди.

Биринчи сетда у Россанога тай-брекда — 5:7 ҳисобида имкониятни бой берган бўлса, кейинги иккинчи ва учинчи сетларда 6/3 6/2 ҳисобида франциялик спортчидадан устун келди ва «Тошкент опен — 2004» турнири голибига айланди.

Жуфтлик ўйинларида италиялик ола-сингил Адриана ва Антонелла Серра Занеттилар Марион Бартоли (Франция) ва Мара Сантанжело (Италия) жуфтлигини финалда ютиб, голибликка эришишди.

Эслайтиб ўтамиз, турнирнинг низоом жағғармаси 150 минг долларни ташкил этди. Яққалик ўйинларида голиб бўлган



намоён бўлди. Турнирнинг бошида, қуръа ташлаш натижаларидан сўнг Шагнесси Иродани «ўзингга нисбатан имкониятлари камроқ бўлган ўйинчилар билан кортга дастлаб тушгандан кўра, матчи тенглар, қучлилар билан бошлаган афзал», деб юпатганди. Шундай бўлди ҳам, фақат Мегханнинг ўзи билан. Биринчи даврада у 157-поғонада турган украиналик Юлия Бельгийзимер, иккинчи даврада — 528-ракамли Ольга Савчук (Украина)дан устун келди. Кейинчалик вазият қандай бўлгани бизга маълум.

Шагнесси чехиялик Ваидисова билан ўйини суст бошлади, дейиш мумкин. Унинг олдида ўзига хос рақиб турганини америкалик теннисчи биринчи сетнинг якунига қадар тушуниб етди.

Николь 6/1, 5/7, 7/5 ҳисобида Шагнесси устидан муваффақият қозониб, финалга WТА таснифда 83-поғонада турган, турнирда 9-ракам билан сараланган Виржиния Россано (Франция) билан беллашувга йўлланма олди.

Вазмин, ўзини анча босиб олган 21 ёшли франциялик спортчи уч сетдан иборат бутун матч давомида бироз шамоллаган бўлсада, ўзининг ички кечинмаларини кўрсатмаган холда ўйнади. Виржиния профессионал спортда 1999 йилдан буён қатнашади, уч

спортчи 22 минг, финалчи — 12 минг, жуфтликдаги голиблар — 6,5 минг, финалчилар — 3475 минг АҚШ долларини қўлга қиритдилар. Бундан ташқари, теннисчилар ўз рейтинг кўрсаткичларини ҳам анча кўтариб олиш имкониятига эга. Фоллибга 97 очиб берилади. Бу дегани Николь Ваидисова 111-ўриндан 20 поғонага юқори қўтарилди, жаҳоннинг юзликдаги энг кучли теннисчилари қаторига қиради. Шубҳасиз, ушунга турнирнинг ута сараланган ўйинчилари устидан қозонган муваффақияти учун бонус очколар ҳам ҳисобланади.

Шундай қилиб, галдаги олтинчи «Тошкент опен — 2004» турнири ҳам нихосига етди. Унинг тантанали ёпилиш маросимида турнир директори Шурунгам Утрапати келгуси йилдан бошлаб «Тошкент опен» WТАнинг учинчи томифали турнирига киритилишини таъкидлаб ўтди. Демак, бу нафақат Тошкент турнирининг, балки жаҳон спортда мамлакатимиз нуфузи янада ортиб бораётганидан далолатдир.

Ильмира Зайнутдинова СУРАТЛАРДА: ФАНАЛ БЕЛЛАШУВИ ВА ГОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИДАН ЛАВХАЛАР.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Colgate дан маслаҳатлар

Гўзал қиз билан қандай танишиш мумкин.

Тасаввур қилайлик, Сиз навиқирон ва муҳтожлик кўрмаган йигитсиз. (Балки тадбиркор, талаба, ёки илмий ходимсиз.) Ҳаётингизда шундай давр бошланди - Сиз нозик жинс вакилларига жиддийроқ эътибор бера бошладингиз. Шундай қилиб, кўнглингизга мос тушган бирор санамга бор жасурлигинизни жамлаб сўз қотдингиз...ТУХТАНГ!

Сўхбатимиз тасмасини бироз орқага айлантираимиз. Мулоқотда энг муҳим нарса нима? Эриктирмайдиган ҳамсўхбатми? Ҳа! Кўнглига йўл топувчи гурунги? Тўғри! Балки табассумдир? Ана энди ўзингизга келдингиз! Айнан жозибали табассумгина мулоқотга жилва берувчи омилдир! Албатта, нафас мусаффолиги, бир текис саф торган қордай оқ тишлар, бир сўз билан айтганда, оғиз бўшлиғи поклиги сўхбатдошингизни Сизга бошлаб қўювчи асосий сабаб ҳисобланади. Сиз тенги йўқ ҳаирох, ҳақиқий мачо бўлсангиз ҳам саргайиб, чириган қийишқ тишлар, бунинг устига оғзингиздан аниқетган қўланса ҳид билан бирор гўзал хилкат эътиборига мушарраф бўлишга уриниб ҳам



кўрманг! Балки сўзларимиз сизга эриш тулолар? Унда марҳамат, сиз тиш шифокори ҳузурда тишларингизни имтиҳондан ўтказиб олишингиз мумкин. Балки бу таъриф учун сизда вақт йўқдир? "Колгейт Палмолив" компанияси мана шундай инсонлар учун "Колгейтдан соғлом табассум ойлиғи"ни ўтказяпти. Жорий йилда мазкур дастур Тошкент шаҳрида, шунингдек, Самарқанд ва Андижон вилояти шаҳарларида ўтказилапти. Мамлакатимиз пойтахтини олсак, бу ерда Сиз нафақат клиника, балки шундоққина очиқ ҳавода, яъни Машинасозлар Бозори ҳудуди ва Қаторгол кўчаларидаги стома-блокларда тишларингизни муҳим синовадан ўтказиш имконига эгадиз. Бу тадбир шунингдек, бутун дунёда машҳур COLGATE тиш маълуми билан Ўзбекистон аҳлини янада яхшироқ таништиришни ҳам назарда тутди. Эътибор берган бўлсангиз, кўчаларда жозибали табассум ҳада этувчилар сони энди анча кўпайган. Бейхитер мириқиб сўхбат қурпиг келди, уларни қўриб...!

Айтганча, маҳаллангизда яшовчи ўша ой юзли малика билан танишиш ниятидан воз кечмаган бўлсангиз, эсда тутиб, табассумингиз атрофдагилар диққатини қаратиши учун ҳар кунда камидан тишларни икки маҳал ювиш лозим! Агар бу COLGATE тиш пастаси бўлса, нур устига нур бўлади! Шунда Сизнинг ҳар қандай гўзал қиз билан, ҳатто у дунёдаги энг танноз ва нозик таъб бўлсада, бир зумда танишиб олишга ТИШИНГИЗ ўтади!

Тошкент шаҳар ва республика ҳудудлари бўйича ишонч телефон рақамлари: 8(712) 67 74 96, 300 15 51

Футбол

АНЪАНА БУЗИЛМАДИ

Ҳар йили фахрийлар ўртасида мини-футбол бўйича турнир ўтказиб келинаётганидан мухлисларнинг хабари бор. Жорий йилда ҳам ушбу анъана бузилмади.

Зарафшон шаҳрида Муस्ताқил Давлатлар Ҳамдўстлиги фахрий жамоалари ўртасида мини-футбол бўйича халқаро турнир уюштирилди. Шуниси кувонарликки, ушбу нуфузли турнирда Киевнинг «Динамо», Алматининг «Қайрат», Ашгабатнинг «Колхозчи», Хўжанднинг «Помир» жамоаларига қарши Тошкентнинг «Пахтакор», Самарқанднинг «Фортуна», Навоийнинг «Зарафшон», Зафарободнинг «Букинай» ҳамда Учқудўқнинг «Сокол» жамоалари майдонга тушдилар. Шуниси эътиборликки, мухлислару мутахассислар чиройли ҳужумларга бўл, кескин, муросаси беллашувларнинг гувоҳига айланишди. Дарвоқе, ҳажонли дақиқаларга бой баҳслар якунида Киевнинг «Динамо», Тошкентнинг «Пахтакор» ва Алматининг «Қайрат» жамоаларининг турнирда бошқалардан кўра пухта тайёргарлик кўрганликлари маълум бўлди. Ва фахрий жамоаларга мутасаддиларнинг эсдалик совгалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети ректорати ва касба уюшмаси ижтимоий-гуманитар фанлар факультети «Синёсатшунослик ва социология кафедраси»нинг собиқ катта ўқитувчиси
Гулол Ёрмухаммедовна ИСМОИЛОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оиласига чукўр таъзия изхор қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси жамоаси «Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трести» очиқ акциядорлик жамияти бош директори
Рустам Саидмуратович СУЛТАНОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига чукўр таъзия изхор этади.

«Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трести» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси бош директори
Рустам Саидмуратович СУЛТАНОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига чукўр таъзия изхор этади.

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Олтин куз юртимизда тўкин-сочинлик, мўлу-қўл пишиқчилик билан, бутун ҳимматини ишга солиб, бор меҳр тафтини одамларга улашмоқда. Бободехқонларимиз наинки пахтазорларда, балки боғу-роғларда, қовун-тарвуз, сабзавотлар пайкалларида қўллари-қўлга тегмай ҳосил йиғиб-тераяптилар. Шаҳримизнинг «Бўстон» маҳалласида яшовчи Ҳамидулла ота Абдуллаев ҳам ўз боғида шириндан-шакар мевалар ва узумларни етиштириб элнинг дуосини олаяпти.

Бобонинг боғига қадам қўйсангиз ўрик, олхўри, олма, анор, шафтолиларни кўриб кўзингиз қувнайди. Қўни-қўшиллар, ёш болажонлар доимо Ҳамидулла отанинг ёнларига.

Отахон ўзининг доно маслаҳатлари, ўғит ва насиҳатлари билан ҳам барчанинг ҳурмат ва эътиборини қозонган.

«Яхшидан боғ қолади», дейди отахон. «Қўлингдан келса яхшилик қил, бўлмаса

ёмонлик ҳам қилма», дея қўшиб қўяди. Элнинг дуосини олиб яшаб келаётган Ҳамидулла Абдуллаев ҳозир нафақада, фарзандлари ва неваралари ардоғида бўлиб, ўз боғида тиним билмайди, бир тўп бўлса ҳам қўчат ўтказсам, келгуси авлодларим шу мевалардан баҳраманд бўлишса, дея меҳнат қилади отахон.



Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТДА: Ҳамидулла ота ўзи етиштирган узумларини узмоқда. **Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

Алишер Назаров эндигина 19 ёшни қарши олмақда. Эҳтимолки, бу ўспирин ҳаётнинг бундай ҳикматомуз жиҳатлари борлигини билмас. Ёки билиб амал қилмас.

Уша қуни у уқаси билан роса ароқхўрлик қилди (ёш бошига бу балои-қасофат ортиқча эмасми). «Шароб сувида шайтон нағма қилади», деган эди Ҳофиз Шероий. Шу аснода шайтоннинг нағмаларига лаққа учган Алишер ўзининг икки ҳамтовоғи билан Сергели тумани Дўстлик — 1 мавзесида жойлашган бозорчада нон сотаётган Амир Холловнинг ҳаёти учун оғир бўлган қучли тан жароҳати етказди. Натижада, Холлов «чап қорин соҳасининг санчибли кесилиш жароҳати» ташхиси билан шифохонага ётқизилган.

Воқеа эса бундай бўлган. Гулжаҳон Алтоева ўша қуни бир юмуш сабаб бўлиб уйига сал эртароқ қайтадиган бўлди. Унинг бозорчада писта, бодом, ҳар хил ширинликлар билан савдо қилиб келаётганига ҳали кўп бўлгани йўқ эди. «Хар не қилса-да тирикчилик, бир қор-қолга яраб қолар», дерди у яқинларига. Хуллас, уйига олтанар экан, ўғли Қаҳрамонни ўрнига қолдириб: — Мен келгунимча, у-бу нарсаларга

қараб тур: шу баҳонада савдони ҳам ўрганиб оласан, — деди.

Алтоева уйига кетди. Қаҳрамонжон қолди. Шу пайт учта ўспирин худди осмондан тушгандай пайдо бўлди.

Ҳикмат қиссаси

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Азал-азалдан мусулмон оламида бирон мўминнинг жонига қасд қилиш гуноҳи кабир, яъни катта гуноҳ саналган. Шу босис, ота-боболаримиз ҳатто бесабаб бироннинг қўлига тикан санчишдан ҳам ҳайиққанлар.

Улар тўғри Қаҳрамонжоннинг ёнига келиши-да, йигитчаларнинг бири ёнидан 100 сўмлик чиқариб:

— Мана бун иккита 50 сўмлик қилиб бер! — деди.

Қаҳрамонжон уларнинг илтимосини қондириди.

Аммо, пулни олган ўспирин йигитча ўртоқлари олдига бориб ана қайтиб келди:

— Пулни кам берибсан, яна 50 сўм беришинг керак! — деди у ўдағайлаб.

Ҳисоб-китоб аниқ қилинган: зўравон йигитнинг «даво»лари ҳақиқатдан анчагина узоқда эди. Амир Холлов нон сота туриб, ҳамма воқеа-ҳодисани кўриб туруп, Қаҳрамонжон қуруқ тухмагга қолаётганини англаб етганди.

У шартта безорилар олдига борди-да:

— Нима қиласан, ёш болага тегажоқлик қилиб, пулингни тўғри қайтарди-ку! — деди.

Андишани унутиб, шайтон сувининг кишини ағбор қиладиган тузоғига илинган ўспиринлар бирданига унга ташланиб қолишди. Гўё шериклари «манфаати»ни химоя қилмоқчи бўлгандай Алишер пайтини топиб Холловнинг қорнига ўткир тигли пичоқ санчи. У оғир жароҳат олишига қарамай омон қолди...

Тошкент шаҳар Сергели туман жиноий ишлар бўйича суди Алишер Назаровнинг қасддан содир этган жиноий ишини кўриб чиқди. Суд ҳукмига кўра айбланувчи уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жазонинг қаттиқ тартибли колонияларда ўталиши белгилаб қўйилди.

Ф. ЖАМОЛОВ,
Сергели туман
прокурори ўринбосари,
Х. ПАНЖИЕВ,
журналист.

ХАНДАЛААР

Австрия рассоми Оскар Кокошка жуда ҳозиржавоб одам бўлган экан. Франциядаги Версаль саройини томоҳа қилиб юрган ранг-тасвир устаси озгина нафасини ростлаш учун картиналар галереясидаги креслога ўтирибди.

— Мсье, сиз қирол Людовик XIVнинг креслосида ўтирибсиз, бу мумкин эмас, — дебди уни кузатиб турган хизматчи аёл.

— Хижолат бўлманг, қирол кириши билан дарров ўрнини бўшатаман, — дебди расоом.

Драматург Бернард Шоу ўзининг машҳур бир пьесаси премьерасидан сўнг бош ролни ижро этган актрисага қуйидагича хат жўнатибди: «Койилмаком, фавқуллоҳа ҳодиса десанми бўлади, ҳаттоки илохий...» Ҳаяжонланган актриса жавоб қайтарибди: «Ошириб юборибсиз».

Шоу яна хат жўнатибди: «Мен ижрони эмас, пьесани назарда тутгандим».

Актриса жавоб ёзибди: «Мен ҳам».

Доктор Лайвеснинг академик бўлиб кетишига озгина қолганди. У Лондон Фанлар академиясига қуйидаги мазмунда хат жўнатган эди:

«Медицинада юз берган фалати воқеа ҳақида шошилинч хабар бермоқчиман. Каледан Лондонга қайтаётган денгизчи кема мачтасидан йиқилиб, оёғини синдириди. Шунда мен дарров оёқ қисмларини бирлаштириб, кема аркони билан боғладим ва денгиз суви қуйдим. Денгизчи ҳеч нима бўлмагандай юриб кетди».

Академияда ҳамма Лайвесни академикликка қабул қилишга овоз берди. Аммо тўсатдан тагин бир хат келиб қолди:

«Шошилинча денгизчининг оёғи ёғочдан эканлигини айтиш ёдимдан чиқибди».

Бернард Шоудан сўрашибди: «Фам-аламларни кимга айтган маъкул: дўстгами, душмангами?»

— Албатта, душманга-да! Улар суюнганидан охиригача эшитишади.

Вена кўчаларидан бирида бир гадо Моцартдан садақа сўради. Композиторнинг чўнтағида пули йўқ эди. У гадони шу яқин ўртадаги қаҳвахонага олиб кирди. Стол атрофида ўтиришган, чўнтағидан қоғоз чиқариб менузет ёзди-да, уни гадога узатди. Гадо Моцарт айтган адресда менузетни олиб бораркан, ўзича «хойнаҳой, бу одам мени лақиллатган бўлса керак» деб уйлари. Аммо манзилга етиб келган, таажубдан лол қолди: адресда номи курсатилган ношир гадонинг қўлидан қоғозни олиб, унга бешта олтин танга берди!

Бир йигит Моцартдан симфония қандай қилиб ёзилади, деб сўради. Композитор шундай жавоб қилди:

— Симфония ёзиш учун ҳали сиз ёшсиз. Ижодингизни балада ёзишдан бошласангиз, яхши бўларди.

У эса норозилик билдириб: «Ахир ўзингиз ҳам ўн ёшга кирмасданок симфония ёзгандингиз-ку?» — деди.

— Ҳа, — деди Моцарт. — Аммо мен ўшанда симфония қандай ёзилади деб ҳеч кимдан сўраганим йўқ эди-да.



Сўзсиз сурат.
Абдурасул Ҳакимов чизган расм.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.
Ҳақини — 2 босма табоқ обдест
узулида босилади.
2764 нускада босилди. Кўчати биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича туруп жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтматига» — 133-74-05 телефонга мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси бошмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.